

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА АКТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Абдурахимов Д., Аллаёров С., Исоқов И., ГулДУ доцентлари

Замонавий ўқитувчи-келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялари, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Замонавий ўқитувчи томонидан ўқув жараёнининг ташкил этилиши жараёнида дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у талабанинг визуал идрок қилиш қобилиятини оsonлаштирсин.

Қуйида биз ўқув жараёнида маъруза, амалий-лаборатория машғулотларидан АКТлари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича моделни ва айрим дастурий таъминот ва технологиялари имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтамиз.



Маърузада дарс жараёнида амалий дастурий таъминотлардан фойдаланиш мақсадида айрим амалий дастурлар ва улардан дарсда фойдаланиш услублари ҳақида фикр юритилади.

Microsoft Power Point - график тасвирлар тайёлаш ва тақдимотлар ҳосил қилиш учун мўлжалланган бўлиб, унда яратилган тақдимотларда оддий анимациялар ташкил қилиш мумкин. Power Point дастурий маҳсулоти асосан тақдимотлар ҳосил қилишда ишлатилади. Тақдимот - маъруза, бизнес режа ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Ҳар бир тақдимот бир нечта слайддан иборат ҳолда тайёрлаш мумкин. Тақдимотлар тайёрлашда қулайликлари жуда катта бўлган замонавий дастурлардан бири Microsoft Power Pointда тайёрланадиган тақдимот слайдларида расм, формула, графиклар, овоз ёзилган файллар, видео-клипплар ва ҳоказоларни жойлаштириш имкони берилган.

«Лектор» тизими - бу дастурий ва аппаратли техник таъминот мажмуаси бўлиб, замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиб аудиторияда ўқитиш имкониятини беради. «Лектор» тизимида Сиз қуйидаги имкониятлардан фойдаланишингиз мумкин. Доскада проект жой ташкил қилиш мумкин ва бу вақтда сизга компютерингизни тўлиқ назоратда бошқариш имконияти яратилган бўлади. Ўқувчиларга мавзунини тушунтириш вақтида Сиз нимани доскада ёзсангиз, чизсангиз ҳамда овоз билан гапириб бераётган маълумотларингиз биргаликда компютер хотирасида ёзиб борилади.

«Ўқитувчи 30» тизими ёрдамида бир вақтда бир дона компютер ва бир неча курилмалар ёрдамида бир гуруҳ талабалардан тест олиши, улар орасида мусобақа ва оғзаки сўровлар уюштириши мумкин. Тест ўтказиш жараёни ҳар бир талаба берилган вақт ичида жавобни белгилайди. Мусобақа ўтказиш жараёнида талабалар ҳар бир

саволга чекланган вақтда жавоб берадилар. Оғзаки мусобақа ўтказиш жараёнида ихтиёрий тугмани биринчи бўлиб босган ўқувчи жавоб беради. Оғзаки савол ва жавоб ўтказиш давомида, яъни ўқитувчи саволни оғзаки беради, талабалар тугмани босиб жавоб берадилар.